

MR13594
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК номидаги
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 894.375 (092) Усмоний

ЮЛДАШЕВА ҲИЛОЛА АБДУЛҲАЕВНА

ҲИДОЯ АБДУРАҲИМ ИБН ЧИШТИЙ
АЛ-УСМОНИЙНИНГ “СИЯР УЛ-АҚТОБ” АСАРИ
МАНБАШУНОСЛИК ТАДҚИҚИ

10.01.11– Адабий манбашунослик ва матншунослик

Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун
тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2006

Ўзбекистон ФА академиги
ва ўзг. чинаклар билан билан билан.

Тадқиқот Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг Адабий
манбашунослик ва матншунослик, таржима назарияси ва амалиёти
кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар:

филология фанлари доктори
Б.Н. НАЗАРОВ

Расмий оппонентлар:

Ўзбекистон ФА академиги,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби, филология фанлари
доктори, профессор
А.П. ҚАЮМОВ

филология фанлари номзоди
С. РАФИДДИНОВ

Етакчи ташкилот:

Низомий номидаги Тошкент
Давлат педагогика университети

Диссертация химояси 2006 йил 19 июль соат 14 да Мирзо Улуғбек
номидаги Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги Д 067.02.16 рақамли
Ихтисослашган кенгаш мажлисида ўтказилади.

Манзил: 700174. Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ, Ўзбек
филологияси факультети, ауд.409.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Илмий
кутубхонасида танишиш мумкин.

(700174. Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ, Асосий бино)

Автореферат 2006 йил 19 июль да тарқатилди

Ихтисослашган Кенгаш
илмий котиби, филология
фанлари номзоди



А.ТИЛАВОВ

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Шарк мумтоз адабиётининг улуғ намоёндалари бўлмиш Савдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Бедил, Бобораҳим Машраб каби юзлаб ижодкорларнинг маънавий-бадий дунёсини англаш учун ҳам тасаввуф илмидан бохабар бўлиш лозим. Зеро, Е.Э.Бертельс айтганидек, “тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида аниқ-равшан тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас. Бу адабиётдан воқиф бўлмасдан Шарқнинг ўзини ҳам тўла-тўқис англаш қийин”¹.

Тасаввуф мусулмон мамлакатларида фалсафа, ахлоқ, маданият ва адабиётнинг таракқи этишига, Куръони карим оятлари ва пайгамбар (с.а.в.) ҳадисларининг асл моҳиятини очиб беришга, муҳими диний ва дунёвий илмларни ўзaro боғлаш, уйғунлаштиришга қаратилган таълимот сифатида пайдо бўлди. “Тазкират ул-авлиё”, “Нафаҳот ул-унс”, “Насойим ул-муҳаббат”, “Қисас ул-анбиё”, “Меъроҷнома” каби асарлар халқимиз орасида кенг тарқалган бўлиб, асрлар давомида ўқиб келинган. Айниқса, турли даражадаги шайхлар, валийлар, кутблар ва сўфийлар ҳақида ёзилган асарлар тасаввуф адабиётининг каттагина қисмини ташкил этади. Машхур сўфийлардан Иброҳим ибн Адҳам, Абдуқодир Жийлоний, Фузайл Иёз, Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллоҷларнинг хилма-хил асарлари қўлёзма фондларимиздан жой олган. Бу асарларни ўрганиш орқали тасаввуф илмининг Мовароуннаҳрдаги таракқиёти, илдизлари, хусусиятларини аниқлаш мумкин. Шунингдек, улар ёрдамида Марказий Осиё халқларининг маънавий-фалсафий тафакқури, тасаввуфнинг ахлоқий-таълимий усуллари, таълимоти билан танишамиз.

Маълумки, тасаввуф тариқатлари кўп, уларнинг тарқалиш минтақалари турличадир. Масалан: яссавийлик, нақшбандийлик, кодирийлик, мавлавийлик каби тариқатлар олимлар томонидан нисбатан кенг ўрганилган, улар ҳақида мақола ва тадқиқотлар яратилган. Аммо чиштия тариқати адабиётшуносликда ҳам, диний илмлар тизимида ҳам хануз жиддий тадқиқ этилмаган. Шу сабабли тадқиқот объекти сифатида ана шу кам ўрганилган маънавий-адабий ҳодиса белгиланди.

Тасаввуф адабиётида валий, шайх ва кутблар нафакат реал шахс, балки бадий образ сифатида ҳам гадаланиб қолган. Одамлар уларни ривоят ва афсоналар қахрамони, аниқроғи, фавқуллодда афсонавий кишилар деб тасаввур этиб келган, улар ҳақида битилган манокӣб, тазкира ва сиярларни катта қизиқиш билан мутлолаа этган. Ҳолбуки, валийлар, шайхлар ва кутблар ҳақида қатор насрий кассалар, ҳикоялар, нақллар, мақомотлар, тазкиралар, манқабалар ёзилган, аммо бу асарларнинг кўпгина қисми етарли даражада ўрганилган эмас. Мана шу фикрлардан келиб чиққан ҳолда ўрта асрларда чиштия тариқатига оид араб, форс ва туркий тилларда яратилган асарларни

1-190-07

¹ Бертельс Е. Э. История персидско-таджикской литературы. - М.: Наука, 1960. - С. 54.

матншунослик ва манбашунослик нуктан назаридан тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Тасаввуф таълимоти ва буюк сўфийлар фаоллиги бўйича ғарб олимлари томонидан кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Бу соҳада В.В.Бартольд, Ф. Роузенталь, Е. Э. Бертельс, Фриц Майер, Ю. Пауль, Анне фон Кюгельген, Дж. С. Тримингэм, Е. А. Беляев² ва бошқаларнинг асарлари диққатга сазовордир.

Ўзбекистонда ҳам мустақиллик шарофати билан бу соҳада салмоқли ишлар амалга оширилди. Улар орасида Н.Комилов, А.Жўзжоний, И.Ҳаққул, Ҳ.Болтабоев, Б.Назаров, Б.Бобожонов, Қ.Бўронов³ ва бошқа муаллифлар асарлари, айниқса эътиборга моликдир. Мазкур олимларнинг тадқиқот ва мақолалари тасаввуф тарихи, тариқатлари, фалсафаси, сўфийна адабиётининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришда муҳим аҳамиятга эга.

Чиштия тариқати ҳақида ўзбек адабиётшунослигида айрим мақолалар эълон қилинган бўлса⁴ ҳам ушбу таълимотнинг асосий хусусиятларини ўзида жамлаган Ҳидоя Абдурахим ибн Чиштий ал-Усманийнинг "Сияр ул-ақтоб" асари хануз на адабиётшунослик, на манбашунослик нуктаи назаридан таҳлил этилмаган.

Диссертация ишнинг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент Давлат Шарқшунослик институти Адабий манбашунослик ва матншунослик, таржима назарияси ва амалиёти кафедраси илмий ишлари режасида акс этган ва институт илмий кенгашида тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади. Тадқиқотнинг асосий мақсади "Сияр ул-ақтоб" туркий кўлёмасининг тазкира ва манокіб жанрига оид асарлар орасидаги ўрнини белгилаш, асарни манбашунослик нуктаи назаридан тадқиқ этиш орқали унинг чиштия тариқати таълимоти ва тарихида муҳим манба эканлигини исботлаш ва илмий муомалага киритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Мазкур тадқиқотни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- асарнинг ҳозирги кунда ягона бўлган туркий кўлёмасини илмий истифодага киритиш;
- асарнинг кўлёмза манбаларини тадқиқ этиш, уларнинг манбашунослик таҳлилин амалга ошириш;
- асарнинг форс тилида яратилган асл матнини аниқлаш ва туркий таржима билан солиштириш;

² Каранг: Бартольд В.В. Ислам. Собр. Соч. т. 2. - М.: 1966; Мец А. Мусульманский ренессанс. - М.: 1965; Роузенталь Ф. Торжество знания. - М.: 1978; Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. - М.: Наука, 1960; Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе. - М.: Наука, 1989; Беляев Е.А. Мусульманское сектанство. - М.: 1957.

³ Комилов Н. Тасаввуф. 1-2 жилд. - Т.: 1996; Жўзжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон. -Т.: Адолат, 2001; Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. - Т.: 1991; Болтабоев Ҳ. Исломи тасаввуфи манбалари. - Т.: Ўқитувчи, 2005; Бабаджанов Б. Манокіб-и Дукки Ишан. Ташкент-Берн-Алматы. 2004; Бўронов Қ.Б. Тасаввуф фалсафаси хусусида. -Т.: 2000; Назаров Б.Н. Исломи ағнографияси тизимида мақоматнинг ўрни ва унинг бадний-услубий хусусиятлари (Баҳоуддин Нақибанд мақоматлари асосида) Филол. фанлари доктори. дисс. - Т. 2000.

⁴ Болтабоев Ҳ. Тасаввуф тарихида чиштийлик тариқати / Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари. - Наманган 2006 -Б. 8-10.

– асар воситасида чишти тарикатининг мазмуни ва мохиятини очиб бериш;

– асардаги кутблар сиймолари ва уларнинг манокиблари яратилиш хусусиятларини илмий ўрганиш;

– асар жанрининг ўзига хослигини, тил ва услубий хусусиятларини таҳлил қилиш.

Диссертациянинг илмий янгилиги. Чишти тарикатига доир “Сияр ул-актоб” асари илк бор илмий истифодага олиб кирилатгани билан бир қаторда асарнинг жанр хусусиятлари, таркибий тузилишини аниқлашдан келиб чиқиб, ушбу диссертациянинг илмий янгилиги қуйидаги омилларда кўриш мумкин:

1. “Сияр ул-актоб” матнининг кирилл имлосига илк бор транслитерация қилинганлиги;
2. “Сияр ул-актоб” асари туркий қўлёзмасининг форс тилидаги матн билан қиёсланиб, илмий истифодага киритилаётгани;
3. Асар манбаларининг аниқлангани, унинг манбашунослик ва матншунослик нуқтаи назаридан таҳлили;
4. “Сияр ул-актоб” матнининг Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асаридаги айрим маълумотлар билан қиёсланиши;
5. Асарнинг жанри, тил ва бадий хусусиятлари таҳлил қилинганлиги.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти. Мазкур диссертация иши ислом агиографиясига мансуб таъкирлардан бири “Сияр ул-актоб” асарига тасаввуфий манба сифатида ёндашиш натижасида чишти тарикатининг мазмун-мохиятини ўрганишда, хусусан, тасаввуфда кутбларнинг тутган ўрнини белгилашда ва мазкур асарнинг кенг оммага илк бор тақдим этилаётганлиги ҳамда ҳозирда ягона туркий қўлёзмасини форс тилидаги асл матни билан қиёсланиб, илмий муомалага киритилаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Диссертация хулосаларидан амалиётда олий ўқув юртларининг филология, тарих факультетларида тасаввуф адабиёти ва фалсафасини ўрганишга оид фанларни ўқишда, бу соҳада дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг услубий асослари. Диссертацияни ёзишда В.В. Бартольд, А. Мец, Е.Э.Бертельс, Ф. Роузенталь, Фриц Майер, Ю.Пауль, Анне фон Кюгельген, Н.Иброҳимов, Н.Комилов, С.Ғаниева, А.Жўзжоний, И.Ҳаққул, Ҳ.Болтабоев, Б.Назаров, Б.Бобожонов, Қ.Бўронов каби олимларнинг фикр-мулоҳазалари ва назарий қарашларига асосланилди. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий-назарий асосини белгилашда тасаввуф бўйича нафакат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам амалга оширилган тадқиқотлардан фойдаланилди.

Тадқиқот манбаи. Ҳидоя Абдурахим ибн Чиштий ал-Усмоний “Сияр ул-актоб” асарининг Тошкент Ислом университети қошидаги Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази Манбалар хазинасида 190-раками остида сақланаётган туркий қўлёзмаси (159 варак) ва асарнинг форс тилидаги тошбосма нусхалари: ЎЗР ФАШИ, № 10561, 10562, 10566, 10567 (256 варак).

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг асосий мазмуни илмий мақолаларда, Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг ёш олимлари илмий анжуманларида қилинган маърузаларда акс этган.

Ишнинг снновдан ўтиши. Тадқиқот Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти ҳамда Адабий манбашунослик ва матншунослик, таржима назарияси ва амалиёти кафедраларининг қўшма йиғилишида, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Матншунослик, миллий уйғониш ва ҳозирги ўзбек адабиёти кафедрасининг мажлисида муҳокама қилиниб, химояга тавсия этилди. Бундан ташқари диссертация ЎЗР ФА Алишер Навоий номи Адабиёт музейида илмий семинар муҳокамасидан ўтган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 5 илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда муқаддима, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 152 саҳифани ташкил қилади. Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар 138 та. Ишга Ҳидоя Абдурахим ибн Чишти ал-Усманий “Сияр ул-ақтоб” асарининг жорий ёзувда таъдир қилинган нусхаси илова қилинди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилиш даражаси, илмий янгилиги, мақсад ва вазифалари, тадқиқот манбаи, назарий-илмий аҳамияти, услубий асослари ҳамда таркибий тузилиши ҳақида маълумот берилди.

Диссертациянинг биринчи боби “Ҳидоя Абдурахим ибн Чишти ал-Усманийнинг “Сияр ул-ақтоб” асари матний хусусиятлари” деб номланиб, бобнинг “Сияр ул-ақтоб” асари ва унинг манбалари” номи биринчи фаслида асарнинг манбалари, уларнинг матн хусусиятлари, сакланиш ўрни, яратилган вақти ва таржимони ҳақида маълумот берилди.

Тасаввуф адабиётининг кўплаб манбаларини ўрганиш, унинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, сўфийларнинг ўз-ўзини тарбиялаш йўлидаги амалий рухий ҳаракатлари, тариқат мақомларига бўлган муносабат ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида ҳам қарор топмоқда. Турон заминида тасаввуфий таълимотнинг яссавийлик, кубравийлик, нақшбандийлик ва қаландарийлик каби тариқатлари кенг тарқалгани маълум. Шарқий Хуросонда ҳам XII-XIII асрларда *чиштия* тариқати юзага келган бўлса-да, бу тариқат, асосан, Ҳиндистонда тараккий этди. “Чиштия” сўзи Ҳиротдаги “Чишт” қишлоғи номидан олинган бўлиб, ушбу тариқатнинг асосчиси Ҳазрат Каримиддин Шайх Мумшод Алавий Динаварий (ваф. 299 х.)нинг шогирди Шарифиддин Абу Исҳоқ Шомий (ваф. 1097)дир. Сўфийлар жамоалари орасида “Шарифиддин” дея машҳур бўлган бу шахс кейинчалик Абу Исҳоқ Шомий Чишти номи билан элга танилди.

Ҳидоя Абдурахим ибн Ҳаким ибн Чишти ал-Усманийнинг “Сияр ул-ақтоб” асарида чиштия тариқатига оид янги маълумотлар мавжудлиги аниқланди. Унда мазкур тариқатнинг асосчиси сифатида Абу Исҳоқ Шомий

Чиштии номи келтирилади: “Сиз Хожа Чиштдурсиз ва чиштининг исломи сизнинг кудумингиз баракатидиндур. Вактиким, мартабаи хилофат топди, андин сўнг пирининг рухсати била Чиштга ташриф этди ва Хожа Чишт била машхур айланди” [СА. 34a].

”سيز خواجه چشت دورسيز وچشت نينك اسلامى سيز نينك قدومنگيز بركتى دين دور و قى كيم مرتبه خلافت تابدى اندين سونك بيرى نينك رختى بيله چشتكا تشريف اتدى وخواجه چشت بيله مشهور ايلندى”

“Сияр ул-актоб” асарининг ҳозирча ягона ҳисобланаётган туркий тилдаги нусхаси Тошкент Ислом университети қошидаги Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази Манбалар ҳазинасида 190-рақами остида сақланади. У қора картон муковага олинган бўлиб, очиладиган томонидаги мукованинг ярми йўқолгани учун биринчи варақдаги ёзувлар қўзга ташланади. Булар ичида кирилл ёзувида қалам билан ёзилган “Сияр ул-актоб” сўзларини ўқиймиз. Асарнинг умумий ҳажми 159 саҳифа бўлиб, саҳифаларнинг эни 18 см, бўйи 27 см, ҳар варақ 19 сатрдан иборатдир. Матнлар рангли, кизил ва қўқ чизиклар билан хошияланган. Асар фаслларга ажратилмаган, аммо ҳар бир қутб манокибининг бошланиши қизил сиёҳда ёзилган. Асарнинг 16-саҳифасида рангли сиёҳ билан жадвал чизилган. Жадвал тагидан асарнинг бошланишидан олдин келадиган “ҳамд” қисми “Туман минг ажзу хорий ва жаҳон, жаҳон шикасталик нику, нисориқим...” [СА. 16] “تمن مينك عجز وخاري جهان” сўзлари билан бошланади.

Асар хижрий 1036 (милодий 1626) йилда Ҳидоя ибн Шайх Абдурахим ибн Ҳаким ибн Чишти ал-Усманий томонидан форс тилида ёзилган. Хоразм шоҳи Муҳаммад Раҳимхон II Феруз (1844-1910)нинг фармони билан Мулла Худойберган охунд Хивакий томонидан туркий тилга таржима қилинган. Асарда муаллифнинг туғилган йили, ҳаёти ва фаолиятига боғлиқ маълумотлар учрамайди. Асарнинг таржимони мулла Худойберган охунд Хивакий бўлиб, мутаржим бу асардан ташқари Валидуддин Муҳаммад бинни Абдуллоҳ ал-Умарий ал-Хатиб ат-Табризийнинг “Мишқот ул-масобих” асари III ва IV жилдларини, “Канз ул-ибод фи шарҳ ил-аврод” асарини таржима қилган⁵. Тасаввуф илмидаги машхур манба Фахруддин Али Сафийнинг “Рашахоту айнил-хаёт” асари ҳам ушбу мутаржим томонидан ўзбекчага ўғирилган бўлиб, бу асарни Махмуд Ҳасаний ва Баҳриддин Умрзоқ табдил қилиб, икки марта нашр эттирди⁶.

Асардан олинган қуйидаги иқтибосдан унинг ёзилиш сабаблари англашилади: “вактиким бу факиру ҳақир дилининг соғейдасида ишқу муҳаббатнинг валваласи ва Хожагон Чишт Ҳазратларининг силсиласи камолига етишуб эрди ва аксар авқот азизлар ижтимои бўлуб, аларнинг нақллари мажлисининг накли кўнгул ҳазинасида бўлган нимарсани тилига жорий этмак била вуқуға келур эрди, бинобарин, тақозон баъзи аҳиббо ул

⁵ Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965. – Б.126.

⁶ Фахруддин Али Сафий. Рашахоту айнил-хаёт (Таржимон: Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад). – Т.: 2003, 2004.

нимарсалариким, “Тазкират ул-авлиё” ва “Сияр ул-авлиё” ва “Нафахот ул-унс” ва алардин бошқа кутби мутадовийлардин тараддуду татаббу ва жўстужу била хосил ва жам бўлуб эрди”[СА.2a].

"وقتی کیم بو فقیر دلی نینک سویداسیده عشق و محبت نینک ولوله سی وخواجه کان چشت حضرت لاری نینک سلسله سی کمالغه یتوشوب ایردی واکثر اوقات عزیزلار اجتماعی بولوب آلار نینک نقل لاری مجلسی نینک نقلی کونکول خزینه سیده بولغان نمرسه نی تیل کا جاری ایتماک بيله وقوغه کیلور ایردی بنابرین تقاضای بعض احبا اول نمرسه لاری کیم تذکرة الاولیا وسیر الاولیا ونفحات الانس والار دین باشقه کتب متدای لار دین تردد وتبّع وجستجو سی بله حاصل وجمع بولوب ایردی"

Асарнинг дастлабки нусхаси (10561)нинг нашр этилиш жойи Аканав, ношири Навол Кушор. Нашр этилиш йили 1306(1889). Ўлчовлари: эни 25 см ва бўйи 16 см, 256 саҳифадан иборат. Босма китоб. Асар муаллифи Ҳидоя Ибн Шайх Абдурахим Ибн Шайх Чишти ал-Усмониийдир. Бу нусха анъанавий ҳамд қисмидан бошланади. Асарнинг ҳамди форс тилида ёзилган, асар давомида учраган саналар эса араб тилида ҳам китобат, ҳам рақам шаклида ёзилган. Сўнгра Али (р. а.)нинг манокиблари билан давом эттирилган. Асарнинг туркий қўлёзмасидан фаркли ўларок, фаслларга ажратилган ва саҳифаланган. Асарнинг ҳар бир фасли, ўз навбатида, ҳамддан бошланади. Фасл бошланган саҳифаларнинг хошиясига манокиви зикр этилаётган кутбнинг тўлиқ исми ёзилган ва бу ҳол асарнинг охирига қадар давом этади. Асарнинг форс тилидаги босма нусхасининг фасллар кетма-кетлиги туркий қўлёзма нусхасидан фарқланмайди, аммо бу форсий нусхада туркий қўлёзма нусхасидан фаркли ўларок 33 та эмас, балки 31 та кутбнинг манокиви мавжуд. Мазкур нусхада 2 та нақлдан иборат Хожа Шиблий ибн Жалолиддин Кабир ул-авлиё Чишти Понипотий билан Абулқуддус ибн Шиблий Чишти Понипотийларга бағишланган 2 та нақлли фасл йўқ. Бундан асарда асли 31 нафар шайхнинг манокиви баён қилинган, аммо туркий қўлёзма нусхаси таржима жараёнида таржимон тарафидан тўлдирилиб, 33 нафарга етказилган деган хулосага келиш мумкин. Асарнинг 215-саҳифасида унинг сувга тушиб кетгани, бир кеча сув тагида қолишига қарамасдан саломат қолгани, муаллиф мазкур асарини тамомлаган куни Муҳйиддин Али Чиштиини тушида кўриб, у кишига асарида нималарни ёзгани ҳақида сўзлаб бергани ва ул мўътабар зотдан фотиҳа олгани ҳақидаги ҳикоя баёни билан ниҳояланади. Демак, асарнинг мазкур форсий нусхаси туркий қўлёзмага нисбатан тўларок экани билан ҳам фарқланади. Асарнинг мазкур нусхасида хотимадан кейин 253-саҳифада Музаффар Али Пасохнинг шу асарга берган тақризи келтирилган. Асарнинг қолган нусхалари ҳам Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида (10962, 10966, 10967) сақланади. Бу нусхалар ҳам асарнинг тошбосма нашрларидир. Уларнинг барчаси биз юқорида айтиб ўтган 10561 рақами остида сақланаётган қўлёзмадандан фарқланмайди.

Чиштия тариқатининг мазмун-моҳиятини ўрганишда муҳим манба саналган ушбу асарда тариқат кўрсатмалари, макомлари, тариқатга кирган солиқнинг хулқ-атвори, ўзини тутиши, ошиқ, само ва бошқа кўплаб тариқат аҳкомлари ҳақидаги маълумотлар, пир ва муршиднинг суҳбатлари, амаллари, феъл-атворлари, панд-насихатлар жараёнида очиб берилади. Мазкур асардан келиб чиқиб, кутбларнинг тасаввуф тарихида тутган ўрни ҳақида тўхталиб ўтишга эҳтиёж сезилади. “Қутб” - араб тилидан олинган бўлиб, луғавий маъноси “негиз, энг узок нуқта” маъноларини англатади. Қутблар “Аллохнинг ердаги халифалари” деб ҳам танилганлар⁷. Тасаввуф тарихига қутб ҳақидаги тушунчани биринчи бўлиб Зуннун Мисрий киритган. Аммо кейинчалик тариқатдаги валийлар ҳам *ал-қутб ал-ғавс*, *қутб ул-ақтоб*, *қутб ул-олам* деб номлана бошлади.

“Сияр ул-ақтоб” асарининг ёзиб тугатилиши ҳақидаги маълумот асарнинг 1586-саҳифасида берилган, жумладан, шундай ёзилади: “Бу мажмуақим “Сияр ул-ақтоб” деган исм била мурассамдур, минг ўттуз олти йил санаи хижрийадин ўтиб эрди, анга шуру этдим ва кўп меҳнатлар била сана минг эллик олтида мураттаб этиб тамомига еткурдим”. Демак, асар 1056 хижрий йилда ёзиб тугалланган ва муаллиф ўзининг бу асарини йигирма йил давомида битган.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли *“Сияр ул-ақтоб” асарининг таркибий тuzилиши*” деб номланган.

Муаллиф мазкур асаридаги қутбларнинг ҳасби ҳолларини яратишда Фариiddин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё”, Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” ва “Сияр ул-авлиё” каби асарларига манба сифатида таянганлиги маълум бўлади: “Бинобарин, тақозои баъзи ахиббо ул нимарсаларким “Тазкират ул-авлиё” ва “Сияр ул-авлиё” ва “Нафаҳот ул-унс” ва алардин бошқа қутби мутадовийлардин тараддуду татаббуъ ва жустужу била ҳосил ва жам бўлуб эрди”. [СА. 2a]

”بنابرین تقاضای بعض احبا اول نمرة لاری کیم تذکرۃ الاولیا وسیر الاولیا ونفحات الانس والآر دین باشقة کتب متداوی لاردین تردد وتبع وجستجو سی بله حاصل وجمع بولوب ایردی ”

Асар қуйидаги тартибда тузилган: асарнинг ёзилиш сабаблари акс эттирилувчи муқаддима қисми ва асарнинг асосий боблари. Асосий боблар 33 қутбнинг ҳаёти, қароматлари, болалик йиллари, ҳикматли сўзларидан иборат. “Сияр ул-ақтоб”да чиштия тариқатидаги қутб даражасига етган қуйидаги шахслар ҳаёти акс этган: Али ибн Абу Толиб, Ҳасан Басрий, Абдувоҳид ибни Зайд, Фузайл Иёз, Иброҳим Адҳам, Хузайфаи Маръиший, Хубайран Басрий, Мумшод Диноварий, Абу Исҳоқ Шомий, Аҳмад Чиштий, Абу Муҳаммад Чиштий, Абу Юсуф Чиштий, Мавдуд Чиштий, Шариф Занданий, Усмон Хорунний, Муъиниддин Чиштий, Абдуқодир Жийлоний, Қутбиддин Бахтёр Кокий, Фариiddин Шакарғанж, Баҳоуддин Закарӣё, Алоуддин Аҳмад Собир, Шамсиддин Турк Пони́потий, Жалолиддин Муҳаммад Кабирул авлиё Пони́потий, Аҳмад Абдулҳақ Равадалуй, Баҳром Байдулий, Шайх Низом Синномий, Хўжа Шиблий ибн Жалолиддин Кабир ул-авлиё, Абдулқуддус ибн

⁷ Ислам. Справочник. – Ташкент: 1989. – С. 144.

Шиблий Понипотий, Абдулкабир ибн Абдукуддус Шиблий, Усмон Занда, Низомиддин ибн Усмон Занда, Абдусалом Усманий Чистий Понипотий баёни.

“Сияр ул-актоб” асарида кутбларнинг таржимаи холлари хронологик тартибда жойлаштирилган. Асар Али ибн Абу Толиб (ваф. 661) нинг зикридан бошланади. Бу ҳақда асар муқаддимасида шундай тушунтириш бор: “...холларини ибтидосин сарҳалқан далолат, кони валоят Ҳазрат амирул оламин Али ибн Абу Толиб карамуллоху важаҳ ҳолидин айтубким, ул жаноб бевосита Ҳазрат хожан коинот Муҳаммад Мустафо с.а.в.га етишур эрди...” [СА. 2а]. Асар бошқа сияр матнида ёзилган асарлар каби муқаддима, ҳамд ва 33 та кутбларнинг манокибидан иборат, аммо асарда келтирилган нақлларнинг жами 265 тадир. Нақллар ҳажм жиҳатидан бир-биридан фарқланади. Баъзи бир нақллар жуда катта бўлса, баъзилари, аксинча, ҳажман жуда кичикдир. Асарда келтирилган нақллар мазмуни жиҳатидан бир-бирига боғлиқ эмас. Ҳар бир нақлнинг ўзи мустақил бир ҳикоя асосида тузилган. Бирон бир воқеа-ҳодиса ҳақида нақл бошланишидан аввал муаллиф шу нақлни ким ривоят қилаётганини айтиб ўтади: “Ҳожа Жунайд Бағдодий қоддассаллоху сирраҳу азиз дебдур...”. Ёки “Нақлдурким, Ҳазрат шайх Абу Муҳаммад Маҳаллийдинким, айтибдурлар...” Агар нақл қилувчи номаълум шахс бўлса ёки муаллифнинг нақли келтирилса, у ҳолда “нақл қилинибдурким...”, “манқулдурким...”, “нақл қилишларича...” каби сўзлар билан бошланиб, кейин асосий воқеалар ҳикоя қилинади. Асардаги нақллар шу тартибда жойлаштирилганки, уларда баён қилинаётган воқеа-ҳодисалар китобхонни кутбларнинг тариқатдаги дастлабки қадамларидан то ул зотларнинг пир-муршид, кутб ёки ғавс даражаларига қадар ўсиб бориши жараёни билан таништиради. Шу сабабли аксарият нақллар “ибтидода”, “ҳолларининг ибтидосида” каби сўзлар билан бошланади. Асарда жамланган нақлларнинг ҳар бирида шайхларнинг тариқатга кириб, то кутб даражасига етишгунига қадар босиб ўтган йўллари, риёзатлари, ички кечинмалари ойдинлаштирилади ва уларда ўқувчига имкон қадар кўпроқ, муфассалроқ маълумот бериш имконига эга бўлган воқеа-ҳодисалар ҳикоя қилинади. Асардаги зикрлар таркибига тушлар, башоратлар, кароматлар ҳақидаги ривоят, ҳикоят, нақлларни киритиш орқали асар ғоясини очиб бериш, шайх, валий, кутб сиймосини тасвирлашга ҳаракат қилади, натижада ҳар бир ривоят - нақл китобхон ва тингловчининг диққат эътиборини ром қиладиган воқеа-ҳодисага нисбатан қизиқишни орттиришга, баённинг узлуksизлигини таъминлашга эришади. “Сияр ул-актоб” асарида келтирилган нақлларнинг тузилиши жуда содда бўлиб, улар одатда бир-икки эпизоддан ташкил топган. Дастлаб ноқил, яъни нақл қилувчининг номи зикр этилади, ундан сўнг бирорта воқеа баён қилинади ёки бўлиб ўтган воқеа ҳақида фақатгина хабар берилади, яъни огоҳлантирилади ва баёнга якун ясалади. Асарда нақлларга хос бўлган услубда ҳадиснавислик анъаналарига суяниш холлари яққол кўзга ташланади.

Биринчи бобнинг “*Чистия тариқатига онд маълумотлар талқини*” мавзuidaги учинчи фаслида маскур тариқат одоби, сулук йўли, намоёндалари ҳақида фикр юритилган.

Асарда ёзилишича, тариқат асосчиси Абу Исҳоқ Шомий Чиштийдан сўнг бу тариқатни у кишининг шогирдларидан бўлмиш Ҳазрат Абу Аҳмад Чиштий (х.260-355), у кишининг муриди ва ўгли бўлмиш Хожа Абу Муҳаммад ибн Хожа Абу Аҳмад Чиштий (ваф. 404.х.), у кишидан кейин уларнинг муриди Носириддин Хожа Абу Юсуф Чиштий (375-459.х.) ва у кишининг муриди Ҳазрат Қутбиддин Хожа Мавдуд Чиштий (ваф.527.х.) ҳамда уларнинг авлодлари давом эттирганлар. Ҳазрат Хожа Муъиниддин Хусайний Ҳасан ал-Санжарий Чиштий Ажмирий (1142-1236) кейинчалик чиштия тариқатини Ҳиндистонга бориб тараққий эттирган. Муъиниддин Ҳасан ал-Хусайний Санжарий Чиштий Ажмирий Ҳиндистонда “Ҳинд ун-набий” лақаби билан машҳур эди. Чиштия қатъий равишда сунний мазҳабига асосланган бўлиб, маънавий силсиласи, бир томондан, Абу Бакр Сиддикка (572-634), иккинчи томондан, Али ибн Абу Толибга етиб борадиган 12 тариқатнинг биридир.

Чиштия тариқати XIII асрнинг иккинчи ярмига келиб Гужарат, Уттар-Прадеш ва Бихарда кенг тарқалди. Бу ерларда ҳам чиштия тариқати катта нуфузга эга бўлди. Уни Ҳиндистонда нафақат мусулмонлар, балки хиндлар ҳам қўллаб-қувватлайдилар. Чиштия тариқати шайх Низомиддин Авлиё (ваф. 1325, Дехли) даврида Ҳиндистоннинг шарқи ва ғарбида кенг ёйилган эди. Бу шайх чиштия тариқатининг тармоқларидан бўлмиш “низомия” га асос солди. Кейинчалик мустақил тариқат сифатида ажралиб чиқиб, ўзининг бошқа тармоқларига ҳам эга бўлди. XV асрга келиб Уттар-Прадешда чиштия тариқатининг бир тармоғи ҳисобланган Алоуддин Али Ибн Аҳмад ас-Собир (вафоти 1291) асос солган “собирия” кенг тарқалди. Бу тариқатнинг машҳур арбобларидан Муҳаммад Илёс Кандхлавий (ваф. 1944) ва шайх Абдулқуддус (ваф. 1537)ни келтириш мумкин.

XVIII асрнинг бошларига келиб шайх Калимуллоҳ Жаҳонбодий (1660-1729) чиштия тариқати асосида юзага келган низомия тариқатини янгилади ва юзага чиқарди. Унинг тарғиботи анчагина муваффақият қозонди ва шогирдлари Панжоб, Уттар-Прадеш, Синд ва Дехкандаги чиштия тариқатининг хонақоҳларини тиклашди. Бу даврда чиштия Маккада ҳам ўз хонақоҳига эга бўлди. Аммо Маккадаги чиштия тариқатига фақатгина ибодат учун келган хиндларгина аъзо бўлдилар, бошқа миллатлар орасида чиштия тариқати бу ерда муваффақият қозонолмади. Чиштия асосан Ҳиндистонда фаолият кўрсатган бўлса-да, Афғонистонда, XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб эса Эроннинг Исфохон шаҳрида ҳам бу тариқат вакиллари пайдо бўлди. Чиштиёларнинг дунёқараши Ибн Арабий томонидан асос солинган “ваҳдати вужуд” назариясига асосланган эди. Уларнинг одоби бошқа тариқатлар одобига ўхшаш зикр, забти нафс (нафсни саклаб тўхтатиш), муроқаба ва бир хиндий русум, яъни чилла бўлиб, унда солиқ қирқ кун ўзини оғидан қудукка осарди.

“Сияр ул-ақтоб” асарида чиштия тариқатининг қуйидаги 12 макоми қайд этилади: Таййиблар макоми (Одам а.с.), обидлар макоми (Идрис а.с.), зоҳидлар макоми (Исо а.с.), розилар макоми (Айюб а.с.), жобирлар макоми (Юнус а.с.), содиқлар макоми (Юсуф а.с.), мутафаккирлар макоми (Шуайб а.с.), солихлар макоми (Довуд а.с.), мухлислар макоми (Нух а.с.), орифлар

макоми (Хизр а.с.), шокирлар макоми (Иброҳим а.с.), муҳиббийлар макоми (Мухаммад с.а.в. макоми) дан иборат. Мазкур асарда ёзилишича, чиштия тарикатига кадам қўйган солиқ куйидаги талабларга жавоб бериши ва 10 та босқични эгаллаши лозим. Булар қуйидагилардир: Ҳақ таолони талаб этмак (1), муршиди комилни талаб этмак (2), одоб (3), ризо, Тангри иродасига қарши чиқмаслик. (4), муҳаббат, қалбда кучли тугъннинг кўтарилиши; банданинг Аллоҳга муҳаббати. Унинг сирларини инкишоф этиш ва Унга ибодат қилиш (5), такво, Аллоҳ йўлида покланиш ва ихлос (6), шариатда истикомат (7), оз емак ва оз сўзламак (8), узлат, бошқалардан ажралиб ёлғиз қолиш (9), намоз ва рўза (10).

Тарикатдаги “аҳли ҳақиқат” 10 та босқични босиб ўтиши лозимдир. Булар: маърифат–илмда комил бўлиш ва Худо азза ва жаллага етишиш (1), вара (2), ихлос (3), тавозеъ ва қаноат (4), узлат (5), фақр (6), ризо ва таслим (7), сабр (8), ражо (9), таваккул (10).

Чиштиёлар дарवेशга тўрт нарса керак дейдилар. Биринчиси – кўзини кўр этсин, то одамларнинг айбларини кўрмасин. Иккинчи – қулогини қар этсин, то ҳеч эшитиш керак бўлмаган нарсани эшитмасин. Учинчи–тилини гунг этсин, то ҳеч айтилиши мумкин бўлмаган нарсани айтмасин. Тўртинчи – оёғин яланг тутсин, то нафснинг хоҳиши билан ҳеч жойга бормасин. Бу қонда ва мақомлар Ҳидоя Абдурахим ибн Ҳаким ибн Чиштиё ал-Усманийнинг “Сияр ул-ақтоб” асарининг 846, 85а, 85б, 104б-саҳифаларида батафсил ёритилган.

Чиштия тарикатида муридликдан муршидликка ўтиш икки босқичдан иборат бўлган. Биринчиси – қабул. Иккинчиси – бағишлов. Бағишлов маросими солиқ 1000 кун илм олгандан сўнг ўтказилган. Тарикатда мурид ўз муршиди бўлиш шайхнинг бир бўлагига айланиб кетиши керак эди. Муридликнинг биринчи босқичида мурид қалбида муршидга нисбатан ниҳоятда кучли муҳаббат бўлиши ва уни ўзининг идеали деб билиши зарур эди. Мурид муршиди қаби гапириши, ибодат қилиши, овқатланиши, юриши ва ҳар дам уни ҳаёлида сақлаши лозим бўлган. Шундан кейин мурид руҳан муршидга айланган. Тарикат шайхлари Қуръони карим таълимоти, Пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини ёйиш, Пайғамбар суннатларига амал қилиш, шунингдек, хурофот ва бидъатга қарши курашмоқни ўзларининг асосий мақсад ва вазифалари деб билган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Ҳидоя Абдурахим ибн Чиштиё ал-Усманий “Сияр ул-ақтоб” асарининг манкабавий хусусиятлари” деб номланиб, унинг “Сияр ул-ақтоб” асарида қутблар ҳақидаги маълумотлар баёнининг хусусиятлари” фаслида қутблар ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинади.

Манокибларда зикр этилган шайх-валий тимсоли барчага намуна-ўрнак бўлажак хислатлар соҳиби сифатида тасвирланади. Шу сабабли ҳам “Сияр ул-ақтоб”да авлиё-шайх сиймосини гавдалантира оладиган шахслар тасвирланган. Асарда қутблар ҳақидаги маълумотлар икки хил услубда баён этилган. Биринчидан, маълум қутблар ҳақида бошқа шахсларнинг айтган сўзлари орқали маълумот берилади. Иккинчидан эса, қутбларнинг ўй-хаёллари, турли вазиятларда ўзларини тутишлари, муомалалари, ички

кечинмаларининг баёни жараёнида шайх-валий тимсоли кўз ўнгимизда гавдалантирилади.

“Сияр ул-актоб” да бошқа агиографик асарлардаги каби кутблар сиймоси тайёр портрет шаклида тасвирланмасдан, балки асардаги нақлларда, хикояларда тадрижий равишда болалик, ўсмирлик йиллари, тарикатни ихтиёр этишлари, пирлардан тарбия ва таҳсил олишлари ва ўзлари ҳам пир даражасига етиб муридларни қабул қилишлари ҳамда улар билан суҳбатлари жараёнини баён қилиш орқали очиб берилган. Асар манкабавий-биографик йўналишда бўлганлиги сабабли унда тарихий маълумотлар билан ривоят ва нақллар, афсонавий хикоятлар бир-бири билан қўшилиб кетган.

Асарда Иброҳим Адхам ҳақида бошқалардан кўра кўпроқ маълумот берилган. Иброҳим Адхам сиймосига бунчалик аҳамият берилишининг сабаби, унинг чиштия тарикатида тутган мавқеи ёки муаллифда мазкур шахс ҳаёти ва фаолиятига оид маълумот кўп бўлганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Авлиёуллохлар ўз сифатига кўра ном олган. Масалан, “Абдуқодир Жийлоний тасаввуфда “муҳйиддин”, яъни дин ва миллатни тирилтирувчи, Муъиниддин Ҳасан Чиштиий “ҳинд ун-набий” номи билан машҳур эдилар. Авлиёларнинг сифатларига мос равишда берилган бундай номларидан уларнинг ҳаётлари, феъл-атворлари ҳақида маълумот олса бўлади. Масалан, “Ҳинд ун-набий” номини ўқиғач, китобхон кўз ўнгига пайғамбарона хислатларга эга бўлган, илми зиёда, Аллоҳ ато этган илоҳий қобилиятли шахс гавдаланади ва бу билан муаллиф китобхон диққатини ўзига жалб этади. Ҳар бир кутб сиймосини ёритишдан аввал муаллиф авлиё, кутбларнинг тўлиқ исмидан кейин уларнинг қайси ном билан машҳур бўлганликларини ҳам қайд этиб, нима сабабдан айти шу ном билан шухрат топганликларининг баёни келтирилади. Асарда муайян тарихий шахслардан ташқари афсонавий сиймолар талқини ҳам борки, улардан бири Хизр а. с.дир. Хизр а.с. сиймоси асарда авлиёларнинг тарикатга кириши олдида ёки бошларига бирон-бир мусибат тушганида, улар чорасиз қолган вақтларида ёрдамга келувчи шахс сифатида тасвирланади.

Кутблар сиймоси, уларга хос хислат ва хусусиятлар воқеалар жараёнидаги хатти-харакатлари, ҳаётий ҳодисаларга муносабат, турли пайтдаги қайфият ва ҳолатлари, ҳикматли сўзлари, фикр-ўйлари, руҳий кечинмалари мунозаралар, суҳбатлар орқали тасвирланади. Кутбларнинг хулқ-атворлари, аҳдга вафодорлик, сабр-тоқатлилиқ, зийраклик ва хушёрлик, камтарлик каби олий инсоний хислатлари турли нақлларни баён қилиш жараёнида очиб берилади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. дабдабали, ҳашаматли, зийнатли, безакли, шоҳона яшашни маъқул кўрмаган. Балки имкони бўла туриб, намунали, оддий, содда бир ҳаёт кечирган. Имкони бўлмаган кишининг фақирона оддий ҳаёт тарзи табиий ҳолдир. Сўфийларнинг реал моддий дунё ва унинг бойликларига бўлган салбий муносабатлари уларнинг хатти-харакатларида сезилиб туради ва улар моддий дунё ўз-ўзича қимматли эмас

деб қарайдилар. Қадрли ва арзирли нарса, сўфий назарида, бу – рух билан, илоҳ билан боғлиқ нарсадир. Ҳаёт ҳам руҳий фаолиятдан иборат. Рухсизлик–хунуклик, ўткинчилик, фонийлик. Ҳар қандай ўткинчи нарса кийматга молик эмас, жумладан, дунё ҳам. Абдий нарса руҳдир ва шу сабаб у кимматлидир. Муҳаббат тасаввуфнинг асосий руқнларидан биридир. Жуда кўп ирфоний тушунча-истилоҳларнинг шарҳи муҳаббатга келиб боғланади. Сўфийнинг бутун ишлари, руҳий аҳволи, ҳаётининг маъноси, эътиқодий-иёмони поклик ва эзгулик тимсоли бўлмиш олий Ҳақиқатга фидойи муҳаббатдан иборат, шунинг учун чинакам солиқ бу–ошиқдир. Қалбида ишк канчалик кўп бўлса, солиқ маърифат зиналаридан юксалиб, камолот чўққиларини забт этаверади.

Тарикатда пир-муршидлик қондаларига катта аҳамият берилади. Тарикатга кирган ҳар бир шахс пирлардан тарбия олади. Шу сабабли муаллиф бу аъёнага содиқ қолган ҳолда қутблар сиймосини яратишда уларнинг пир-муршидларга садоқат билан хизмат кўрсатишлари, улардан таҳсил кўришлари каби қўплаб лавҳаларни келтиради. Масалан, Абу Юсуф Чиштий ва Ҳасан Басрийларнинг тарикатга кириши ҳақида қуйидаги нақл баён қилинади: “Сияр ул-актоб” асари муаллифи ҳам қутбларнинг маънавий камолот йўлини босиб ўтишлари, пайғамбарона хислатлар ва хаворик одатлар соҳиби бўлган қомил инсоннинг шаклланиши жараёни ва унга хос бўлган хусусиятларни баён қилади. Аммо шуни алоҳида қайд этиш жоизки, муаллиф учун қутбларнинг тарихий шахс эканлигидан кўра, уларнинг сўфиёна ҳаёт тарзи, дунёқараши муҳимроқ.

Асарда аниқликдан кўра умумлаштиришга, сўфий шайхлар сийратини мужассамлаштиришга интилиш устун. Ҳар бир нақлда баён қилинган қутбларнинг ибрат бўлгучи у ёки бу хислати, ўзини тутиши, амали қадам-бақадам жамланиб, ниҳоят мукаммал бир сиймо китобхон кўз ўнгида намоён бўлади.

Бобнинг *“Сияр ул-актоб” да зикр этилган қутблар биографиясининг “Насойим ул-муҳаббат” асари билан қиёсий таҳлили*” номли фаслида ҳар икки асардаги маълумотлар ўзаро муқояса этилган.

Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” асари Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс” таъкираси таъсирида яратилгани маълум. Унда Ҳазрат Навоий Мовароуннаҳр ва Ҳиндистон заминиде яшаб ўтган машойихларни ҳам қўшиб шайхлар сонини 618 дан 770 га етказди ва мукаммал асар яратди⁸. Шунингдек, Навоий асарида Жомий таъкирасидан фарқли ўлароқ Мовароуннаҳрда ҳам шуҳрат қозонган Ҳиндистон машойихлари манокиблари шайх Фариддин Шакарганж, Мухйиддин Али Чиштий, Мавдуд Чиштий, Шайх Ҳамидуддин Ногурий ва ҳоказоларнинг баъни келтирилган. Шу сабабли “Сияр ул-актоб” асарида зикр этилган қутблар ҳақидаги хабарларнинг Навоий асаридаги

⁸Алишер Навоий. Насойим ул – муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами – Т.: Фан, 2001. – Б.5.

талкини биз учун кадрлидир. Навоий асарида “Ҳинд машойихи шарҳи ҳам оз мазкур эрди, мумкин бор тилаб, топиб ҳазрат кутб ул-авлиё Шайх Фарид Шакарғанж қ. с. дин сўнгги машойихгача илҳок қилдим...” деб ёзилади. Ғузайл бин Йёз ҳақида маълумотларни солиштирганда кўринадики, Навоий бу авлиё манокибларини бериш жараёнида у кишининг асли қайси ерлик эканлари ҳақидаги ихтилофли қисмини қисқартириб юборган. Иброҳим Адҳам ҳақида Навоий қуйидагиларни ёзади: “Сияр ул-актоб” асарининг муаллифи Иброҳим Адҳамнинг вафотларини ҳижрий 280 йил жумадул аввал ойининг 26-кунида Шом шаҳрида деб ёзса, Алишер Навоий ўзининг юкорида номи зикр этилган асарида Иброҳим Адҳамнинг вафотларини ҳижрий 161 ёки 162 йилда Шомда деб маълумот беради. Қоҳирада 1933 йилда нашр қилинган “Ислом қомуси”да Иброҳим Адҳамнинг вафотлари санаси “тахминан ҳижрий 160 ёки 166 (милодий 776-783) йиллар” деб берилган⁹. Навоийнинг келтирган санаси “Сияр ул-актоб” асаридагидан кўра тўғрироқ. Зеро, “Сияр ул-актоб”да Иброҳим Адҳамнинг ҳаёти 24 та нақлда ёритилган бўлиб, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида кўра анча муфассалроқ. Навоий ўз асарида Иброҳим Адҳам ҳақида 4 та нақл билан қиёяланиб, бунинг сабабини қуйидагича шарҳлайди: “Иброҳим Адҳамнинг ҳолати бағоят кўптур. Бир китоб битса бўлур. Аммо бу мухтасарда мунча зикри била иктифо қилинди”¹⁰. “Ғавс ул-азъам” унвони билан машҳур Шайх Муҳйиддин Абдулқодир Жийлоний, Хожа Мавдуд шайх ва бошқа кутбларнинг манокибларини ўзаро солиштириш орқали уларнинг ҳаёт саналари, қароматлари, сулукдаги ўрни каби масалаларда мавжуд маълумотларга аниқлик киритилди.

“Сияр ул-актоб” асарининг поэтик хусусиятлари деб номланган учинчи бобнинг 1-фаслида ушбу асарнинг жанрий хусусиятлари ўрганилди.

Ислом ағиографияси Мухаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти, фаолияти ва ҳарбий юришлари ҳақидаги хабарлар жамланган “Мамлакатларнинг забт этилиши ҳақидаги китоб”, “Ҳарбий сафарлар китоби” каби араб тилида ёзилган асарлардан бошланади. Ф.Роузенталнинг фикрича, XII асрлардаёқ бунёдга келган Мухаммад с.а.в ва унинг издошлари фаолияти билан боғлиқ воқеаларни акс эттирган кўплаб китобларда ағиографик адабиётга хос элементлар мавжуд¹¹. Ағиографик асарларнинг айна шу хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда “Сияр ул-актоб” ни ушбу тилдаги асарлар сирасига қиритиш мумкин. Чунки Р.Николсон, Л.Массиньон, Д.Арберри, Х.Риттер, Е.Э.Бертельснинг ағиография жанрига мансуб асарлар ҳақидаги тадқиқотларида ҳам бундай қарашлар акс этган.

“Сияр ул-актоб” сарлавҳасидаги “сира” истилоҳи (кўплик шакли сияр) йўл, ҳаёт тарзи каби маъноларни англатади. “Сира”-мусулмон тарихнавислиги, пайғамбар Мухаммад а.с. ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи алоҳида жанрдир. Бу сўз пайғамбарнинг ҳаёти ҳақидаги асар жанрини

⁹ Ислом қомуси. — Қоҳира: 1933 (араб тилида). 1 боб. — Б. 374.

¹⁰ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Муқаммал асарлар тўплами. — Т.: Фан, 2001. — Б.78.

¹¹ Роузенталь Ф. Торжество знания. - М.: 1978. — Роузенталь Ф. Торжество знания. - М.: 1978, С.11.

англатувчи истилоҳ сифатида биринчи маротаба Ибн Ҳишом (844 ваф.) тарафидан Ибн Исҳоқнинг (704-767) Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги асарини таҳрир қилиш жараёнида ишлатилган¹². Муаллифлар Пайғамбар ҳадисларидан унумли фойдаланган. Зотан, ҳадисларнинг кўп қисми (“аҳбор”) кичик-кичик ҳикоятлар шаклида эди. Расулulloҳнинг ҳаёти ҳақидаги ҳикояларни номлаш учун “сира” сўзининг кўплик шакли “сияр” ишлатилгани (аксарият ҳолларда “мағози” сўзи билан биргаликда) ҳам маълум.

Ҳидоя Абдурахим ибн Чиштий Усманийнинг “Сияр ул-актоб” асари “Сияр ул-авлиё”, “Тазкират ул-авлиё”, “Нафаҳот ул-унс”, “Насойим ул-муҳаббат” каби агиография жанрига мансуб асарларига таянган ҳолда яратилган бўлиб, унда чиштия тариқати ва унинг кутблари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинган. Мазкур асар агиографик асарларнинг сияр турига мансуб бўлса-да, тазкира жанрига яқинроқ услубда ёзилгандир. Чунки тазкираларда кўплаб сўфий шайхлар, пирлар, валийлар, кутблар, ғавслар, абдолларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар баён қилинади. Юқорида зикр этиб ўтилган тазкиралардагидек “Сияр ул-актоб” асарида ҳам ушбу хусусиятлар мужассамдир. Аммо чиштия тариқати шайхлари ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз юритилаётган мазкур асар қуйидаги жиҳатлари билан бошқа “тазкират ул-авлиё”лардан фарқланади:

1. Чиштия тариқати силсиласининг боши бўлмиш Али ибн Абу Толиб ва унинг халифаси Ҳасан Басрий, сўнгра Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида биринчи табақа сўфийлари деб номлаган Фузайл Иёз, Иброҳим Адҳам ва уларнинг халифалари зикри бирин-кетин хронология асосида давом этади.

2. Ҳар бир кутбнинг тўлиқ исми, куньяси, қайси сабабларга кўра шу номга сазовор бўлганлиги, туғилган жойи, илм олган шахри, таҳсил кўрган пирлари баён қилинади.

3. Тариқатга киришидан олдинги ҳаёти ва тариқат йўлини ихтиёр қилишига сабаб бўлган омиллар, феъл-атворининг ўзига хос хусусиятлари, таъбининг ҳолати, суҳбатининг хушлиги, тариқатдаги хизмати ва мавқеи, кашфу қароматлари, хаворик-одатлари зикр этилади.

4. Муаллиф кутбларнинг ахлокий қиёфаларини ва тариқатдаги мавқеларини ифода этувчи мисралар, шеърӣ парчалар ва байтлар келтириб, ўз фикри тўғри эканини кўрсатишга интилади.

5. Ҳар бир кутбнинг манокibi унинг вафоти тарихи, дафн қилинган ери ва санаси ёритилган нақллар билан ниҳояланади.

Демак, “Сияр ул-актоб” асарида келтирилган маълумотлар Ҳиндистон машойихларининг манокибларини ўрганишда, хусусан, чиштия тариқати моҳиятини ёритишда, комил инсонлар–кутбларнинг феъл-атворини ўрганишда муҳим манба саналади.

¹² Ибрагимов Н. Вопросы композиции арабского народного романа (сиры) / Сборник научных трудов ТашГУ. – Г. 1981. – С 58.

Бобнинг сўнги “Сияр ул-ақтоб” асарининг тили, услубий жиҳатлари” номли фаслида ушбу асар мазкур жиҳатлар бўйича таҳлил қилинди.

“Сияр ул-ақтоб” асарининг халқчиллигини таъминлаш учун халқ оғзаки ижодидаги мақоллар ва ҳикматли сўзлар, Қуръони карим оятлари ва пайғамбаримиз Мухаммад с.а.в. ҳадисларидан маҳорат билан фойдаланилган. Мақоллар нутқ жараёнида у ёки бу вазият муносабати билан фикрни ихчам, лўнда, образли ифодалашда жуда қўл келади. Ҳасан Басрий манокибларида “Луқмаким, филлар қаддига қараб ясаган бўлсалар, ани мўрлар сийнасига тўкуб бўлмас” ҳикмати маъно жиҳатидан ҳозирда халқ орасида кенг тарқалган “Қўрпанга қараб оёқ узат” ёки “Бўйинга қараб тўн бич” мақолларига мос келади.

Шунингдек, асарда Қуръони каримдан келтирилган кўплаб оятлар ва Пайғамбар Мухаммад с.а.в. нинг ҳадиси шарифларидан намуналар бериш орқали муаллиф айтилаётган воқеа-ҳодисалар ҳақиқатини кўрсатиб беришга, уларнинг таъсирчанлик кучини оширишга ҳаракат қилади. Асарда келтирилган Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг жами аслиятда-араб тилида бўлиб, аксарият ҳолда ҳадисларнинг таржимаси берилган ёки мазмуни ёритилган Қуръон оятлари эса асл ҳолида қолдирилган. Али р. а. наклида “Бизларнинг шайхимиз усули ҳидоятда Али Муртазодур ва Қуръони мажидда ўттуз беш оят бордурким, далолат этур батариқа сароҳат анинг мартабасининг алавийига (اَهُمْ رُفَعَا سَجْدًا يَنْتَوْنَ فَضْلًا مِّنَ اللَّهِ وَرَضَوْنَائِا) “Тароҳум руққаъан сужжадан йабтағуна фазлан миналлоҳи ва ризвона” бир оятдурким, ул жаноб шайъинда ворид бўлган” [СА. 3а] ояти каримаси келтирилган. Таржимаси: “Уларни (мудом) Аллоҳдан фазл ва розилик тилаб руқъ, сужуд қилаётган ҳолларида кўрарсиз” (“Фатҳ” сураси, 29-оят).

Муаллиф асарда бадиий тил воситаларидан унумли фойдаланган. Сиярларда муболага, метонимия, жонлантириш, сифатлаш, ўхшатиш билан бир қаторда тасвир воситалари, синтактик инверсиялар ҳам қўлланилади. Мазкур асарда Иброҳим Адҳам баёнида инверсия “Иброҳимнинг бу сўз кўнглида жойи топи” жумласи аслида нормал грамматик тартибга кўра, “Иброҳимнинг кўнглидан бу сўз жойи топи” бўлиши керак эди. Бирок у ҳолда фикр инверсияга асосланган жумладек таъсирчан чиқмай, оддий хабарга айланиб қолар эди. “Сияр ул-ақтоб” асарида инверсия фаол стилистик ходиса сифатида кўп қўлланилган. Асарнинг таржима асари эканлигини ҳам унутмаган ҳолда форс тилидаги сўзларнинг грамматик тартиби туркий тилдаги сўзларга тўла мос келмаслигини эсга олиш лозим. Айрим ўринларда форсий усулда жумла қуриш, изофа ва изофий занжирлардан фойдаланиш хусусиятлари ҳам асарнинг тилида яққол акс этган.

Мумтоз насрда саж санъати Навоий, Бобур, Гулҳанӣй ва бошқа адабларларнинг насрий асарларида юксак маҳорат билан қўлланилганлиги маълум. “Сияр ул-ақтоб” асарининг “Ҳамд” қисмида қўлланилган “*ҳорӣй*” ва “*зорӣй*”, “*зуноҳкор*” ва “*табоҳкор*”, “*сармоя*” ва “*пироя*” сўзлари сажънинг

мутавазин, “*бемоя*” ва “*моя*” сўзлари эса мутарраф турига мансуб. Демак, асарда ҳам сажнинг мутавазин ҳамда мутарраф турлари фаол қўлланган.

Агнографик асарларда муболага қўлланилиши одатий бир ҳол деб қаралади. “Сияр ул-ақтоб” да ҳам муболага санъати намуналари кўплаб учрайди. Ёш боланинг селдан оёқлари курук ўтиши, икки юзга якин кишиларнинг унга мурид бўлиши ва Каъбатуллохнинг Мавдуд Чиштийнинг олдига келиши ва у зот ўтирган жойларида тавоф қилишлари каби муболагали талқинлар шулар жумласидандир. Асарда муболаганинг игрок, яъни аклан ишониш мумкин бўлган, аммо ҳаётда рўй бериши имконсиз бўлган бўрттириб тасвирлаш туридан кўп фойдаланилган. Шунингдек, асарда ташбих, жонлантиришнинг ташхис ва интоқ турларидан ҳам кенг истифода этилган.

Тасаввуф адабиётида шеърятдан фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Чунки унинг Шарқда кенг тарқалиши боиси ҳам, араб, форс, туркий тилларда буюк бир шеърятнинг вужудга келиши билан боғлиқдир. “Сияр ул-ақтоб” асарида ҳам жозибадорликни ошириш мақсадида бир қатор шеърий парчалар келтирилган.

Араб тилидаги

البدر يطلع من فريد حبه
والشمس تغرب في الشقائق جذبه

Ал-бадру йатлаъу мин Фарид хуббихи
Ваш шамсу тағрубу фи шақойики жазбихи;
(Ой Яратувчи васлига эришмоққа интилади,
Қуёш эса маъшук васлига етган сари унинг жазбидан
куйиб, ғарк бўлади).

Ва форс тилидаги

دل از کجا این پرو بال از کجا
من که و تعظیم و جلال از کجا

Дил аз кужо ин пару бол аз кужо.
Ман ки у таъзиму жалол аз кужо,
(Кўнгил каердаю бу қанот ва парлар каерда.
Мен кимману, бундай таъзим ва азамат каердан)

шеърий парчаларнинг асар таркибида аслиятда берилиши, бир томондан, асарнинг таъсир кучини оширса, иккинчи томондан, уни қабул қилиш учун ўқувчидан маълум тайёргарликни ҳам талаб этади.

ХУЛОСА

1. Хидоя Абдурахим ибн Чиштий Усманийнинг “Сияр ул-актоб” асари чиштия тариқати ҳақида маълумот берувчи агиографик асарлар таркибига киради. Мазкур асар Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” ва Абдурахмон Жомийнинг “Сияр ул-авлиё” ва “Нафаҳот ул-унс” асарлари руҳида яратилган.

2. Мазкур асар форс тилида яратилган бўлиб, унинг тўрт нашр нусхаси Ўз РФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида (10962, 10966, 10967) мавжуд. Форсий нусха туркий нусхага нисбатан анча мукаммал бўлиб, унинг нашр этилиш жойи – Аканав шаҳри. Ношири–Музаффар Али, нашр йили –1889 йил.

3. Асарнинг ягона туркий нусхаси Тошкент Ислом университети Манбалар хазинасида сақланади. Асар XIX асрда Мулла Худойберган Охунд Хивакий томонидан Муҳаммад Раҳимхон Соний Феруз талаби билан ўзбек тилига таржима қилинган. Мутаржимнинг Хоразм таржима мактабининг етук вакиллари экани унинг таржима асарларидан, жумладан, Фахруддин Али Сафийнинг “Рашахоту айнил-ҳаёт” асарини ҳам ўзбекчага ўнгиранидан маълум.

4. Асарнинг туркий (таржима) нусхаси асл нусха билан муқояса этилганда маълум бўладики, туркий нусха аъъанавий ҳамддан бошланади ва у форс тилида ёзилган, асар давомида учраган саналар эса араб тилида ҳам китобат, ҳам рақам шаклида ёзилган(1); форсий матн фаслларга ажратилган ва саҳифаланган, Фасл бошланган саҳифаларнинг хошиясига манокіби зикр этилаётган кутбнинг тўлиқ исми ёзилган (2); форсий нусхада туркий қўлёзма нусхасидан фаркли ўларок 33 та эмас, балки 31 та кутбнинг манокіби мавжуд (3); асарнинг мазкур форсий нусхаси туркий қўлёзмага нисбатан мукаммаллиги билан ҳам фаркланади (4).

5. “Сияр ул-актоб” асарида муаллиф кутблар ҳақида ҳикоя қилар экан, уларнинг манокібларини бериш учун бир қатор нақлларни баён қилади. Кутбларнинг ўзаро суҳбатлари, юриш-туришлари, маънавий киёфалари, ҳислатлари, хулқ-атворлари, ҳаёти, ижоди ва фаолияти ҳақида маълумот беради ва шу жиҳати билан ушбу асар мавжуд агиографик асарлардан фаркланиб туради.

6. “Сияр ул-актоб” асарини Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” тазкираси билан ўзаро киёсий ўрганиш натижасида Алишер Навоий асарида “Сияр ул-актоб” да тилга олинган авлиёлардан 15 таси маълумот берилган, булардан 13 таси чиштия тариқатига мансуб шахслардир (1); “Сияр ул-актоб” асарида келтирилган нақллар Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асаридаги маълумотлардан муфассалроқ (2); “Сияр ул-актоб” муаллифи мазкур тариқатнинг аксарият вакилларини “қутб”лар деб номлайди ва шунга мос равишда уларнинг ҳаётларини ёритишга ҳаракат қилади (3).

7. Асар жанр хусусиятларига кўра агиографик асарлар сирасига киради. Бундай жанрда авлиё ва пирларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи араб, форс ва туркий тилларида ёзилган “сира”, “қисса”, “табақот”, “мақомот”, “манокӣб”лар билан бир қаторда баъзи “тазқират ул-авлиё” туркумидаги асарлар яратилади.

8. “Сияр ул-актоб” асарида келтирилган маълумотлар Ҳиндистон машоихларининг манокӣбларини ўрганишда, хусусан, чиштия тарикатининг моҳиятини ёритишда, комил инсонлар–қутбларнинг феъл-атворини ўрганишда муҳим манба саналади.

9. Асарнинг халқчиллигини таъминлаш учун халқ оғзаки ижодининг энг оммавий жанрларидан мақоллар ва ҳикматли сўзлардан, Қуръони карим оятлари ва пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. ҳадисларидан маҳорат билан фойдаланилган. Мақоллар муаллифга у ёки бу вазият муносабати билан фикрни ихчам, лўнда, образли ифодалашда жуда қўл келган.

10. “Сияр ул-актоб” нинг таржима асар эканлигини ҳам унутмаган ҳолда форс тилидаги сўзларнинг грамматик тартиби билан туркий тилдаги сўзларнинг грамматик тартиби тўла мос келмагани учун айрим таржима ва талқинларда форсий усулда жумла қуриш, изофа ва изофий занжирлардан фойдаланиш хусусиятлари ҳам асарнинг тилида яққол акс этган.

11. Муаллиф зарур деб ҳисоблаган сўзга китобхон диққатини тортиш мақсадида интонацион стилистик воситалардан саналмиш инверсиядан унумли фойдаланиб, бадий нутққа кўтаринкилик, таъсирчанлик, ифодалилик бағишлайди. Шунингдек, асарда муболага, ташбих, жонлантириш, ташхис, интоқ каби бадий санъатлардан маҳорат билан фойдаланилган.

12. “Сияр ул-актоб” асаридаги шеърий парчалар, байтлар, маснавий ва китъалар насрда баён қилинган мавзуни назмда ифода этиб, асарнинг жозибадорлигини янада оширган. Асар бир қатор бадий тил ва бадий тасвирий воситаларнинг ишлатилиши туфайли ўзига хос жозибадорлик касб этган.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

Диссертациянинг асосий мазмуни қуйидаги мақолаларда ўз аксини топган:

1. Юлдашева Ҳ. Қутб нима? Актоблар кимлар?// Имом ал-Бухорий сабоқлари.-2001.-№4.-Б.327-329.
2. Юлдашева Ҳ. “Сияр ул-актоб” – янги топилма// Шарқшунослик. (ТДШИ)-2001.-№1.-Б.17-22.
3. Юлдашева Ҳ. “Сияр ул-актоб” асарида бадий тил воситалари ва санъатининг қўлланилиши// Шарқшунослик. (ТДШИ -2003.-№2.-Б.34-40.
4. Юлдашева Ҳ. Чиштия тарикати ҳақида // Тошкент ислом университети (ТИУ) илмий-таҳлилий Ахбороти. -2003.-№ 2.-Б.47-50.
5. Юлдашева Ҳ. “Сияр ул-актоб”да қутбларга хос хислатлар тавсифи // (ТИУ) илмий-таҳлилий Ахбороти. -2004.-№ 1.-Б.34-39.

**Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор
ЮЛДАШЕВА Ҳилола Абдулхаевнанинг 10.01.11 – Адабий
манбашунослик ва матншунослик ихтисослиги бўйича “Ҳидоя Абдурахим
ибн Чиштий ал–Усманийнинг “Сияр ул-ақтоб” асари манбашунослик
тадкики” мавзундаги диссертациясининг**

Р Е З Ю М Е С И

Таянч (энг муҳим) сўзлар: Ҳидоя Абдурахим ибн Чиштий ал-Усманий, “Сияр ул-ақтоб”, тазкира, манокіб, тасаввуф, тариқат, чиштия, сира, кутб.

Тадқиқот объектлари: Ҳидоя Абдурахим ибн Чиштий ал-Усманийнинг “Сияр ул-ақтоб” асари.

Ишнинг мақсади: “Сияр ул-ақтоб” асари туркий қўлёзмасининг тазкира ва манокіб жанридаги асарлар орасидаги ўрнини белгилаш, унинг чиштия тариқати таълимоти ва тарихида муҳим манба эканлигини исботлаш ва илмий муомалага киритишдан иборат.

Тадқиқот усули: тарихий-қиёсий ва қиёсий-таҳлилий усуллари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: “Сияр ул-ақтоб” матнининг кирилл имлосига илк бор транслитерацияси амалга оширилди; асарнинг туркий қўлёзмаси форс тилидаги матни билан қиёсланиб тадқиқ этилди; асар манбашунослик ва матншунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинди ва унинг манбалари аниқланди; Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасидаги айрим маълумотлар билан қиёсланди; асарнинг жанр, тил ва бадий хусусиятлари кўриб чиқилди.

Амалий аҳамияти: Чиштия тариқатига оид муҳим манба сифатида илк марта илмий истифодага киритилди; XVII-XIX асрлар тасаввуф адабиёти ва фалсафаси тарихи, жумладан, чиштия тариқати бўйича қатор янги маълумотлар аниқланди.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Диссертация материаллари ва натижалари бўйича 5 илмий мақола chop этилган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: Шарқдаги тасаввуфий таълимотлар тарихи ва фалсафасига оид изланишлар, адабий манбашунослик ва матншунослик тадқиқотларида; филология, фалсафа ва тарих фанлари бўйича умумий ва махсус курсларини ўқитишда.

РЕЗЮМЕ

диссертации ЮЛДАШЕВОЙ Хилолы Абдулхаевны на тему
«Источниковедческий анализ сочинения Хидая Абдурахима ибн Чишти
ал-Усмани «Сияр ул-актаб» на соискание ученой степени кандидата
филологических наук по специальности 10.01.11. - «Литературное
источниковедение и текстология»

Ключевые слова: Хидая Абдурахим ибн Чишти ал-Усмани, «Сияр ул-актаб», тазкира, манакиб, тасаввуф, тарикат, чиштия, сира, кутб.

Объект исследования: Произведение «Сияр ул-актаб» Хидая Абдурахима ибн Чишти ал-Усмани.

Цель работы: Выявление места тюркоязычного варианта сочинения Хидая Абдурахима ибн Чишти ал-Усмани «Сияр ул-актаб» среди произведений жанра тазкира и манакиб, исследование его как важного источника по истории учения тариката чиштия, введение данного сочинения в широкий научный оборот.

Метод исследования: сравнительно-исторический и сравнительно-сопоставительный методы.

Полученные результаты и их новизна: Впервые дана транслитерация текста «Сияр ул-актаб» на кириллице; проведено сравнительно-сопоставительное исследование текста рукописи на турки с её персоязычным вариантом; определены источники произведения и проведен анализ его с источниковедческой и текстологической точки зрения; в сравнительном аспекте рассмотрены сведения «Сияр ул-актаб» и ряд сведений, встречающихся в произведении Алишера Навои «Насойим ул-мухаббат»; рассмотрены жанровые, языковые и художественные особенности сочинения.

Практическая значимость: Введен в научный оборот важный источник по истории учения тариката чиштия; представлен значительный объем новых материалов по истории литературы и философии мистицизма XVII-XIX вв., в частности тариката чиштия.

Степень внедрения и экономической эффективности: опубликовано 5 статей в научных журналах.

Область применения: Исследования по истории и философии мистических учений на Востоке; литературное источниковедение и текстология; при преподавании общих и специальных курсов по филологии, философии и истории.

RESUME

Thesis of YULDASHEVA Hilola Abdulxaevna on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in philology speciality 10.01.11 - Literary Source Studies and Manuscript Studies “Source Studies Investigation of “Siyar ul-Aqtab” by Hidoya Abdurahim ibn Chishti al-Uthmani”

Key words: Hidoya Abdurahim ibn Chishti al-Uthmani, “Siyar ul – Aqtab”, tazkira, manakib, tasawwuf (Sufism), tariqat, Chishtism(Sufi movement), sira, qutb.

Subject of the inquiry: “Siyar ul-Aqtab” by Hidoya Abdurahim ibn Chishti al-Uthmani.

Aim of the inquiry: To determine the role of “Siyar ul-Aqtab” as a Turkic manuscript amongst works created in the genre of *tazkira* and *manakib*, as well as prove that it is considered to be a vital source on *tariqat*; introduce it into scientific usage.

Method of the inquiry: Historical-comparative and comparative-analitical.


The results achieved and their novelty: It is the first time that the manuscript has been transliterated into the Cyrillic; the manuscript’s Persian and Turkic copies are being compared and introduced into scientific usage; the manuscript’s sources and its analysis on the basis of Source Studies and Manuscript Studies have been defined; the work is compared with some information in *Nasoyim ul-Muhabbat* by Alisher Navoi; the manuscript’s genre, language, and its literal features have also thoroughly been analysed.

Practical value: It the first time that the work has been introduced into scientific usage as a vital source on Chishtism; fundamental information, concerning mainly Chistism, on the history of the literature and philosophy of the 17th – 19th centuries was defined.

Degree of embed and economic effectivity: 5 articles have been published in scientific journals.

Sphere of usage: Carrying out investigations on the history and philosophy of the Sufi teachings in the East, as well as Literary Source Studies and Manuscript Studies; delivering lectures on the subjects pertaining to Philology, Philosophy and History.

ТАДҚИҚОТЧИ



ЮЛДАШЕВА Ҳ.А.